Кўнгилга ташриф

# ҲАРБИЙЛАРГА ҲУРМАТИМ ЧЕКСИЗ...



Сафаргул опа ёшлигида санъаткор бўлишни жуда хоҳлаган эди. Лекин тақдир уни бошқа касб билан сийлади. Яъни шифокорлик соҳаси билан. Шуни айтишса керак, пешонангга ёзганидан қочиб қутулолмайсан деб. Опанинг бу билан орзулари сўнгани йўқ. У санъатга ошуфта яшади. Касбидан ажралмаган ҳолда тўй-ҳашамларда (аёллар даврасида) Хоразм халқ термаларини айтиб, халфалик қила бошлади. Албатта, ҳар бир ўтиришларда унга ёшгина қизалоғи ҳамроҳ бўларди. Кейинчалик қизалоқ салгина улғайиб, энди онасига шунчаки ҳамроҳ эмас, балки ёрдамчи сифатида давраларда кўриниш бера бошлади. Сафаргул халфа гармон чалиб, хониш қилганда қизи доира чертиб томошабинлар қатори онанинг сеҳрли овозидан маст бўларди. Вақт ўтиши билан санъат билан сеҳрланган қиз халфанинг халқ шоду хурсандчилигини куйловчи оҳангларига жўр бўлиб, гоҳида ёлғиз куйлашига ҳам тўғри келди. Илк бора бешинчи синфда ўқиб юрган кезлари қуйидаги тўртлик билан бошланувчи қўшиғини халфачилик йўналишида куйлаган, бутун санъатсеварлар бу ёш қизалоқнинг қўнғироқдек майин овозидан лол қолиб, тасаннолар айтган.

Арка қизлар чаққанлашиб галинглар,
Гўрали бу тўйни томошосини.
Бу тўйларда яхши хизмат атинглар,
Гўрали бу тўйни томошосини.

Бу қўшиқ такрор-такрор маҳаллий телеканал орқали намойиш қилиниб ёшгина қизалоқни Ирода халфа сифатида Хоразм аҳлига танитди. Бундай қувончдан масрур бўлган Сафаргул опанинг кўз ёшлари қалб армонларини ювди. Энди унинг орзусини қизи ушалтираётганди. Ёшлигида ўз санъати-ла хоразмлик мухлислари қалбидан чуқур жой олган Ирода халфа, бугун Ирода Искандарова номи билан юртдошларимизнинг кўпчилигига яхши таниш. Унинг соф ўзбекона услубда дилдан куйлаган бетакрор қўшиқлари мухлислар қалбига тез етиб боради. Чунки Иродахоннинг қўшиқларида аёл дарди, ҳис-туйғуси тараннум этилади. Бугун газетамизнинг меҳмони ушбу нозик дид, гўзал қалб эгаси Иродахон Искандаровадир. Ўйлаймизки, у билан бўлган суҳбатимизни мутолаа қилиб хонандадаги янги-янги қирраларни ўзингиз учун кашф қиласиз.

**– Иродахон, баҳорнинг илк кунлари ўзингизнинг биринчи яккахон концерт дастурингизни мухлислар эътиборига ҳавола этдингиз. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бўлса керак?**

– Албатта, баҳор келиши билан табиат уйғониб, атроф ўзгача тусга бурканади. Узоқ давом этган рутубатли, аёзли кунлардан сўнг, гўё ҳаёт қайта жонланади. Яна баҳорни гўзалликка, севгига ва шодумонликка менгзашади. Мен шундай фарахбахш кунларда илк концерт дастуримни уюштиришни ёшлигимдан орзу қилардим. Фаришталар омин деган экан, режаларим амалга ошди.

Концерт дастуримни намойиш қилиш куни яқинлашган сайин мени ички бир қўрқув ва ҳаяжон чулғаб олди. Мен ҳали у қадар машҳур бўлмасам, концертимга етарлича одамлар тушишармикан? Мен уларга яхши кайфият улаша олармиканман? Ота-онам ва устозим Насиба Абдуллаеваларнинг фотиҳасини олиб, концерт дастуримни бошлашим билан бу хавотирларим бир пасда тарқади. Чунки мухлисларим керагича ташриф буюришганди. Улар дастур ниҳоясигача мени қўллаб, олқишлаб туришди. «Ватан», «Севги», «Она» ҳақидаги хонишларим ва устозимнинг «Умр баҳори» қўшиғини куйлаганим барча йиғилганларга манзур бўлди.

**– Ҳозирги айрим ёш хонандаларга турли танқидий фикрлар билдирилмоқда. Бунга сизнинг муносабатингиз? Умуман, танқидни қандай қабул қиласиз?**

– Биласизми, танқидий фикрлар ўз ўрнида бўляпти. Очиғини айтиш керакки, бугунги кунда савия жиҳатидан саёз қўшиқлар ҳам йўқ эмас. Инсонга ҳеч қачон ўз камчилиги кўринмайди. Камчилик четдан туриб разм солингандагина кўринади. Камчилик бор жойда эса танқид бўлиши муқаррар. Буни тўғри қабул қилиш керак. Менинг холис танқидга муносабатим яхши. Бирор камчилигим бор экан, буни кўрсатишса, хафа бўлмайман. Аксинча, ўша хатони такрорламасликка ҳаракат қилиб, ўз устимда янада жиддийроқ ишлашга интиламан. Инсон борки, хато қилади. Беайб парвардигор.

**– Ҳозир кўпчилик қўшиқчилар кинода ҳам ўзларини синаб кўришмоқда. Сизга ҳам шундай таклифлар бўлганми?**

– Ҳа, ҳозир кўпчилик ёш қўшиқчилар ўз маҳоратларини кинокартиналарда ҳам синаб кўришмоқда. Топширилган образларни маромига етказиб ижро эта олишса, бу яхши. Лекин истеъдодли актёрларимиз ҳам йўқ эмас. Улар ҳар қандай қаҳрамон образини қойилмақом қилиб яратишади.

Менга ҳам кинога таклифлар бўлган. Сценарийни ўқиб чиқдим. Негадир топширилажак қаҳрамоннинг образи ёқмади. Менга маъқул келадиган роль эмас эди. Агар менинг табиатимга ҳамоҳанг образ бўлса, рад этмайман.

**– Ҳозир Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблида фаолият юритаётган экансиз, балки келажакда ҳарбий ҳам бўлмоқчидирсиз?**

– Бу ерда ансамблнинг яккахон хонандаси сержант Ирода Искандарова сифатида фаолият юритаяпман. Ёшлигимдан ҳарбийларга ҳурматим чексиз. Агар ўғил бола бўлганимда, албатта ҳарбийлик касбини танлардим. Чунки йигитлар учун энг обрўли, шарафли касб ҳарбийликдир. Келажакда офицер бўлиш ниятим ҳам йўқ эмас.

**– Юрт посбонлари ҳақида қўшиқ ҳам яратганмисиз?**

– Албатта, Бобур Бобомурод сўзи билан айтиладиган «Офицерим» қўшиғини ижро этганман. Бу қўшиқни шу йил илк бора 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбийларга туҳфа қилганимда, жуда яхши қаршилашган. Энди ушбу қўшиққа клип ишлашни режалаштиряпмиз.

**– Оилангиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

– Ота-онам шифокор, лекин санъатнинг ашаддий ишқибозлари. Синглим ва укаларим ҳам улардан ўрнак олган, десам хато қилмайман. Хуллас, оилавий санъат шайдоларимиз. Ўзим турмушга чиққанман, ҳаётимнинг қувончи иккита фарзандим: Паризод ва Бекзод бор.

**– Сиз учун нима кўпроқ муҳим: оилами ёки касбингиз?**

– Иккаласи ҳам мен учун ниҳоятда муҳим. Оилам туфайли 5 йил ижод қилмадим. Бу мен учун жуда катта йўқотиш бўлди. Сабр қилдим, кутдим, ҳозир ҳаммаси яна изига тушди. Ишдан бўш вақтимни эса фарзандларим тарбиясига бағишлайман. Дам олиш кунлари уларни паркларга олиб чиқиб, худди ота-онам бизни сайр қилдиргандек, айланамиз, музқаймоқ еб, маза қилиб кўнгилли ҳордиқ чиқарамиз. Гўё, уларнинг олдида бўлолмаган вақтимнинг ўрнини босиш учун.

**– Ҳаётда нимадан кўпроқ қўрқасиз?**

– Мухлисларим эътиборидан қолишдан. Уларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли мен қўшиқчи бўлиб танилдим. Санъатсевар халқимизнинг эътиборидан илҳомланаман, янги-янги қўшиқлар яратиб, уларга туҳфа қиламан.

**– Сизнинг қўшиқларингизда миллийлик уфуриб туради. Қўшиқ яратишда кимлар билан ҳамкорлик қиласиз?**

– Қўшиқ яратишда, аввал, онам ҳамда устозим Насиба Абдуллаева билан ҳамжиҳатликда ишлайман ва улардан керакли маслаҳатлар оламан. Қўшиқ матнларини истеъдодли шоиримиз Бобур Бобомурод ёзиб беради. Қолган ишларда продюсерим Учқун Тиллаев кўмаклашади.

**– Юрт посбонларига тилакларингиз?**

– Авваламбор, уларга соғлиқ-саломатлик, оилаларига осудалик тилайман. Йигитларимизни қанчалик ҳурмат қилсак, қадрласак кам. Чунки мана шу шунқорларимиз фаровон ҳаётимиз учун кечани кеча, кундузни кундуз демай, қаҳратон, аёзли қишда ҳам, саратоннинг чидаб бўлмас иссиғида ҳам сергак туриб, бизни, жонажон диёримизни ҳимоя қилишади. Уларнинг заҳматли меҳнатлари эвазига биз тинч умргузаронлик қилиб ишлаяпмиз, ижод қилаяпмиз. Бахтимизга доимо соғ бўлсин, юртимиз ҳарбийлари.

**Агнеш ҚУРБОНОВ суҳбатлашди.**





СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

Армейский спорт

## В ФУТБОЛ ИГРАЮТ «АКАДЕМИКИ»

**На протяжении месяца на стадионе Министерства обороны проходили жаркие баталии первенства Академии Вооруженных Сил по мини-футболу. Состязания стали отличным смотром физической подготовленности участников, способствовали дальнейшему росту сплоченности и выносливости личного состава.**

За победу в первенстве спорили тринадцать команд, представлявших первый и второй курсы учебного факультета, Высшие курсы по подготовке штабных офицеров, а также профессорско-преподавательский состав Академии. Все участники проявили истинно армейский азарт и волю к победе, а победителями в итоге проведенного по круговой системе состязания стали слушатели 23-й учебной группы, набравшие 15 очков. Звания чемпионов Академии Вооруженных Сил по мини-футболу удостоились майоры Р.Мадумаров, Л.Бузруков, И.Мамасолиев и О.Юлдашев, капитаны Э.Исламов, З.Иминов, И.Бегимкулов и Б.Уралбаев, которые награждены Почетными грамотами и денежной премией в размере 10 тысяч сумов.

Команда слушателей 2-й учебной группы Высших курсов по подготовке штабных офицеров отстала на четыре очка и заняла второе место – ее члены также награждены грамотами и денежной премией в размере 7 тысяч сумов. И наконец, третье место с 9 очками заняла команда 12-й учебной группы слушателей, поощренная грамотами и денежной премией в размере 5 тысяч сумов.

В проведение турнира на высоком организационном уровне весомый вклад внесли заместитель начальника Высших курсов полковник Игорь Литвиненко и главный судья соревнований, начальник цикла физической подготовки и спорта подполковник Музаффар Мажидов, которым приказом начальника Академии объявлена благодарность.

**Подполковник Мухаммед Али МУХАМЕДОВ, преподаватель Академии Вооруженных Сил.**

Футзал

## УЗБЕКИСТАН В ПОЛУФИНАЛЕ

Сборная Узбекистана одержала третью победу подряд на чемпионате Азии по футзалу, проходящем в эти дни в Хошимине. Очередной «жертвой» разгрома стала команда Макао, в чьи ворота влетело 13 мячей, и на что та сумела ответить лишь одним.

По три взятия ворот на свой счет записали Фаррух Закиров (4-я, 26-я и 29-я минуты), Абдулла Буриев (12-я, 31-я и 35-я) и Анвар Мамедов (13-я и два раза 39-я минуты). Дважды отличился Фуркат Кудратов (16-я и 27-я), по разу – Шавкатбек Мухитдинов (10-я) и Николай Одышев (14-я минута). Единственный гол в составе соперников забил Леонг Лап Сан (36-я минута).

Узбекистанцы, с 9 очками заняв первое место в группе «В», вышли на следующую стадию борьбы за медали, где их противником стала сборная Киргизии. Матч между региональными соседями состоялся 31 мая, сборная Узбекистана выиграла со счетом 6:2 и вышла в полуфинал.

В другом матче группы «В» встречались команды Палестины и Филиппин. Палестинцам нужно было победить с крупным счетом и надеяться на выход в четвертьфинальный раунд со второго места, куда уже попала дружина Китая. Победа 14:4 поставила Палестину (разница мячей +9) выше других команд, занявших вторые места в группах «F» (Ирак, +8) и «Е» (Индонезия, +7). Теперь ее судьба в руках команд групп «С» и «D».

**Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.**

Футбол

## «ПАХТАКОР» ПРОИГРАЛ, «НЕФТЧИ»... ВЫИГРАЛ

В рамках Азиатской лиги чемпионов по футболу состоялись заключительные матчи групповых турниров.

В одном из поединков ташкентский «Пахтакор» на нейтральном поле в Ливане встречался с иракской дружиной «Аль-Завра». Первый тайм упорного противостояния завершился нулевой ничьей. А в середине второй половины игры иракцам удалось провести результативную атаку. Гол, оказавшийся победным, забил аль-Джавад. В итоге 1:0 в пользу «Аль-Завры».

Другой узбекистанский клуб «Нефтчи» должен был принимать команду «Аль-Ахли» из ОАЭ, но последняя не явилась на игру, за что ей засчитано техническое поражение со счетом 0:3.

## «ЛИВЕРПУЛЬ» СТАЛ ПЯТИКРАТНЫМ

В Стамбуле завершился розыгрыш главного трофея клубного европейского футбола – Кубка Лиги чемпионов.

На поле переполненного стадиона «Ататюрк» вышли гранды Старого Света: итальянский «Милан» и английский «Ливерпуль». Счет открыл капитан миланцев защитник Паоло Мальдини, четвертый раз принимавший участие в этих престижнейших соревнованиях. В трех предыдущих он становился обладателем почетного приза. Очень был близок и к следующей победе. Особенно когда аргентинец Эрнан Креспо дважды закрепил его успех. Казалось, южане досрочно обеспечили себе победу и главный приз. Однако представители туманного Альбиона в начале второго тайма дали понять, что праздновать выигрыш явно рановато. Теперь уже капитан англичан Стивен Джерард точным ударом вдохнул надежду в своих партнеров. Спустя несколько минут его поддержал Владимир Шмицер. А выравнял положение испанец Хаби Алонсо.

Равенство – 3:3 – сохранилось не только до конца основного времени, но и дополнительного. В серии послематчевых пенальти нервы крепче оказались у игроков «Ливерпуля», реализовавших три «выстрела» с 11-метровой отметки. Их визави ответили двумя. У проигравших заключительный удар наносил любимец итальянских тифози Андрей Шевченко из Украины, или просто «Шева». На сей раз фортуна изменила великому форварду. Польский голкипер Ежи Дудек сумел ликвидировать угрозу. В итоге «Ливерпуль» стал пятикратным победителем турнира. «Милан» остался шестикратным. Так же в разные годы обладателем Кубка (Лиги) чемпионов были «Реал» (Испания) – 9 раз, «Аякс» (Голландия), «Бавария» (Германия) – по 4, «Бенфика», «Порту» (оба – Португалия), «Интер», «Ювентус» (оба – Италия), «Манчестер Юнайтед» (Англия) – по 2 раза. И по одному разу финалы выигрывали клубы «Астон Вила» (Англия), «Барселона» (Испания), «Боруссия Дортмунд», «Гамбург» (оба – Германия), «Олимпик» (Франция), «ПСВ Эйнховен», «Фейеноород» (оба – Голландия), «Селитк» (Шотландия), «Стяуа» (Румыния) и «Црвена Звезда» (Югославия).



Теннис

## ПОБЕДИТЕЛЬ – ИЗ ТАИЛАНДА

В Фергане на корте спортивного комплекса «Истиклол» прошел традиционный турнир по теннису из серии Челленджер.

Первенство оспаривали более 50 представителей из России, Индии, Китая, ЮАР – всего из 12 государств.

От Узбекистана выступали шесть спортсменов, но, к сожалению, никто из них не пробился в финал.

Победителем соревнований стал мастер большой ракетки из Таиланда Дана Удамчок. В решающем поединке он обыграл китайского теннисиста Лю Ен Су со счетом 6:1, 7:6.

Бокс

## ВЕРНУЛИСЬ С НАГРАДАМИ

Как уже ранее сообщалось, наша сборная команда принимала участие на традиционном, 13-м по счету, Международном турнире по боксу на призы легендарного боксера Серика Конакбаева, который проходил в казахстанском городе Чимкенте.

«Урожайным» оказался этот турнир для узбекистанских спортсменов: две золотые и три серебряные медали завоевали наши мастера кожаной перчатки. Первое «золото» добыл мастер спорта Олимжон Назаров (до 48 кг), сумевший проявить большую силу воли в упорном финальном поединке с опытным казахстанским атлетом и одержать победу. «Золотой» задел Олимжона продолжил наш многоопытный боксер мастер спорта международного класса Уткирбек Хайдаров (до 81 кг).

Но, к сожалению, чуть-чуть не повезло другим нашим соотечественникам: Бекзоду Хидирову (до 60 кг), Шерзоду Хусанову (до 69 кг) и Жамшиду Хусанову (свыше 91 кг). Они в финальных боях уступили хозяевам турнира и стали серебряными призерами.

– Впереди у нас чемпионат мира и другие крупные турниры, – говорит тренер сборной Александр Размахов. – Есть надежда, что наши мастера кожаной перчатки вновь порадуют болельщиков наградами.

**Майор З.ХАЙРИТДИНОВ.**

## ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



**Жавоблар шаклга занжир ва кесишган ҳолда ёзилади.**

1. Шоҳмот ўйинидаги ҳолат. 2. Футбол ўйини қисми. 3. Почта ҳақи қоғози. 4. Байрам олди куни. 5. Улкан. 6. Юмшоқ модда. 7. Металл. 8. Шамсий йилнинг ўн иккинчи ойи. 9. Металл арқон. 10. Масладидан қайтмас киши. 11. Кўчманчи қуш. 12. Расул Ҳамзатов миллати. 13. Кўзбойлоғич санъаткор. 14. Падар. 15. Л.Толстой романи қаҳрамони. 16. Отанинг укаси. 17. Далил. 18. Миллат. 19. Ўркачли жонивор. 20. Индонезия таркибидаги орол. 21. Жуфт тармоқли таёқ. 22. Билиш қобилияти. 23. Соат ишлаб чиқариш ашёси, маъдан. 24. Долларнинг юздан бири. 25. Шоҳмот донаси. 26. Бўрттириш. 27. Ғурур. 28. Расм ва одатлар. 29. Ўтмишдан қолган бойлик. 30. Қимматли нарсаларни сақлаш жиҳози. 31. Савдодаги илк келишув. 32. Вақт ўлчови. 33. Китобни қўйиб ўқишда фойдаланилган мослама. 34. Имконият, эрк. 35. Насрий асар тури. 36. Миллат. 37. Шоҳмот донаси. 38. Мактуб. 39. Зирҳли тўпотар қурол. 40 Сув йўли. 41. Балиқ тури. 42. Ижод маҳсули. 43. Лаос пул бирлиги. 44. Фарғона вилояти тумани. 45. Итальян сайёҳларидан бири, географ. 46. Қуёш ботган пайт. 47. Миллий тансиқ таом. 48. Ҳарир тола. 49. Газанда аъзоси. 50. Электр нури кучининг ўлчов бирлиги. 51. Куй ижроси. 52. Мусиқа асари. 53. Қуролли Кучлар мажмуи. 54. Инерт газ. 55. Ип газлама. 56. Ҳаёт манбаи. 57. Диний муассаса ихтиёрига ўтказилган мулк. 58. Сирдарё соҳилидаги тарихий шаҳар. 59. Одамзод. 60. Испания футбол командаси. 61. Транспорт ҳаракати жойи. 62. Болтиқбўйидаги республика пул бирлиги. 63. Велосипед спорти иншооти. 64. Қадимий ўқотар қурол. 65. Эстониядаги шаҳар. 66. Қозоқ мумтоз шоири. 67. Ҳўл мева. 68. Бозор томи. 69. Масофа ўлчови бирлиги. 70. Ўсимлик тупини сийраклаштириш. 71. Элат, халқ. 72. Пилла ўровчи ғумбак.

**Фозилжон ОРИПОВ.**

### ГАЗЕТАНИНГ 49-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. Абдуллаев. 2. Инсонпарвар. 3. «Дўстлик». 4. Беҳбудий. 5. Раҳимов. 6. Кубро. 7. Лутфий. 8. Гулханий. 9. Улуғбек. 10. Марсия. 11. Назармат. 12. Топиволдиев. 13. Ўрозбоев. 14. Қаҳрамон. 15. Садоқат. 16. Шомаҳмудов. 17. Йилнома. 18. Ҳайкал. 19. Зокиров. 20. Оқибат.

**Ҳикмат:**

Умрлар бўладики,
Тирикликда ўликдир,
Ўлимлар бўладики,
Мангуликка тирикдир.

**Мақсуд ШАЙХЗОДА.**

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

**Телефонлар:**
Бош муҳаррир ўринбосари – 56 17 98; масъул котиб – 56 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 56 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 56 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 56 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 56 03 48; социология ва реклама бўлими – 56 54 76.

Обуна бўлими – 56 03 46. Навбатчи – 56 09 81.

Газета жума куни чиқади.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Буюртма № 198 Р. Адади 20250.

Таҳририят манзили:
700031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«RASTR» ҚК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:
Тошкент ш., Юнусобод, Муродов кўчаси, 1-а.